

Ўзбекистон Республикаси олий таълим ҳамда ректорлар кенгашининг мурожаати

Хозирги кунда бутун дунёнинг диққат-эътибори Covid-19 коронавирус пандемиясига қаратилган бўлиб, жаҳон илм-фани аҳли ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш ва тўхтатиш, инсоний талофатни кескин камайтириш ва бу хатарни илдизи билан қуритиш учун бор интеллектуал салоҳиятини сафарбар этмоқда.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёв бошчилигига бу юқумли хасталикнинг аҳоли ўртасида кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш, она халқимизни бундай оғир синовдан соғ-омон олиб ўтиш учун барча зарур ва кескин чораларни амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий позицияси, халқсевар сиёсати қабул қилаётган оқилона Фармон ва қарорлари пандемияни жиловлаш ва унинг салбий таъсирини юмшатишга кучли замин яратмоқда. Мамлакатимизда истикомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларни янада жипслаштириш, энг муҳими, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида оламшумул ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг “Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир Ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиласизга олиб кирмаслик учун энг аввало ўзимиз масъулмиз”, деган сўзлари барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг бирдан бир амалга ошириш йўли – Президент ғояларига садоқат билан ёндашиш ва уларнинг атрофида жисплашиш ҳамда кўрсатма ва тавсияларига биноан иш тутиш ёруғ кунлар ва порлоқ келажак сари ишончли йўлдир. Коронавирус пандемиясининг таъсирини камайтириш бўйича олий таълим тизимида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда олий таълим муассасаларида бу халокатли офат билан курашиш бўйича барча зарур тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам илм аҳли, ҳурматли зиёлилар!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, буюк адабимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Жаҳон тарихида мисли кўрилмаган мўъжизалар яратган улуғ халқ ҳар ишга қодир”, деган фикрлари ўзбек халқига берилган муносиб баҳодир. Эл-юрт бошига оғир иш тушганда сафнинг олдида туриш, фидойилик ва жасорат кўрсатишдек шарафли вазифа ҳамиша сизу бизнинг, олимлар ва ўқитувчи-домлалар, илм аҳли ва зиёлилар зиммасидадир. Биз бугунги масъулиятли синов кунларида маънавий бирлигимиз, мустаҳкам ҳаётий эътиқодимиз билан барчага ибрат бўлишимиз, намуна кўрсатишими зарур бўлади. Юзага келган вазият ўқув-тарбия жараёнларини масофавий тарзда давом эттиришни тақозо этмоқда. Бундай таълим усулинни ташкил этишда таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг ўқув режалари асосида жорий семестрдаги фанларнинг дастурларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда олий таълимда ўқитилаётган фанлар бўйича электрон таълим ресурслари яратилди ва ҳар бир олий таълим муассасасининг масофавий ўқитиш платформасига жойлаштирилди.

Биз сиз, ҳурматли устоз-мураббийларни мавжуд имкониятдан тўғри ва самарали фойдаланган ҳолда:

- аввало, Муҳтарам Президентимизнинг мурожаатларининг моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш ва ҳаётга жорий этишда ибрат кўрсатишга;
- юртимизга четдан кириб келган коронавирус пандемиясини бартараф этиш йўлида давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш ва касаллик тарқалишининг олдини олишда ҳукуматимизга яқиндан ёрдам беришга;
- онлайн дарсларни ташкил қилишда фаол иштирок этишга, хусусан, фанлар бўйича видеомаърузаларни, семинар ҳамда амалий машғулотларнинг тақдимотларини тайёрлаб, тегишли сайтларга жойлаштиришда фаол бўлишга;
- машғулотларнинг мазмуни, сифати ва унинг ҳаётийлигини юқори даражада таъминлашга;
- талаба-ёшларнинг дарсларга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ва уларнинг фаоллигини оширишга;
- мобиль алоқа, интернет орқали ёшлар қалбида ўз касбига, маданият, санъат ва адабиётга бўлган муносабатни янги босқичга кўтаришга;
- уйда қолиб, ушбу касалликка қарши курашиш ва унинг ҳаётимизга салбий таъсирини камайтириш йўлидаги эзгу ишларни электрон оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали маҳалла ва жамоатчиликка кенг тарғиб қилишга даъват этамиз.

Қадрли талабалар, азиз ёшлар!

Сизларнинг барчангиз бизнинг ишонган тоғимиз, миллатимиз келажаги, янги Ўзбекистоннинг бўлажак бунёдкорисиз. Коронавирус тифайли мамлакатимизда юзага келган бу ташвишли ҳолат Сиз, азиз фарзандларимизнинг сифатли билим олишингизга халақит бермаслиги учун мамлакатимиз раҳбаридан тортиб давлат идораларининг ходимларигача, ректорлардан тортиб устоз-мураббийларгача – барча-барча Сизларнинг шу кунлардаги фаолиятингиз ҳақида, уни мазмунли ташкил этиш борасида қайғурмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг Сизларга алоҳида эътибор қаратиб:

“Мен бугунги кунда уй шароитида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман:

Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни қунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун

ҳам қолдирманг”, деган сўзлари барча ёшлар учун кундалик ҳаёт тарзига айланиши зарур. Фақат астойдил олдинга мақсад қўйиш, сабр-тоқат ва мустаҳкам ирода билан олджинга интилиш зарур. Инсоният ва тараққиётнинг энг катта душмани бўлмиш бекорчилик, бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлар, аслида, коронавирус инфекциясидан ҳам хавфидир. Сизнинг мана шу кўринмас балога қарши курашишда энг катта ёрдамингиз, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кўчага чиқмасдан уйда қолиш, бўш ўтираслик, илмий ва бадиий асарларни мутолаа қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуланишда давом этишдан иборат бўлмоғи керак.

Азиз талабалар!

Интернетда, хусусан, ўзингиз таҳсил олаётган олий таълим муассасасининг сайтида берилаётган онлайн дарсларга қунт билан қатнашинг! Энг оғир синов пайтларида Сизга ҳамиша кўмакка келадиган, ўзингиз ёқтирган мумтоз ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан, гўзал ва бетакрор куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишда давом этинг! Карантин билан боғлиқ тартибларга, шахсий гигиена қоидаларига, жисмонан соғлом бўлишга алоҳида эътибор қаратиб, тозаликка, покизаликка риоя қилинг! Шу билан бирга, ота-онангизнинг, мўътабар кексаларимизнинг ҳикматларидан, олtinga тенг панду насиҳатларидан иложи борича кўпроқ баҳраманд бўлишга ҳаракат қилинг! Интернет тармоғи орқали атрофингиздаги мактаб ўқувчилари ва барча ёшлар билан мулокотда бўлиб, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боринг! Бугун Ўзбекистон халқи ўзининг юксак онги, маданий савияси, қатъий иродаси ва сабр-бардошини бутун дунёга намойиш этмоқда. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, муҳтарам Президентимиз атрофида собит туриб, ягона мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлсак, бу хатарли оғат мустаҳкам қўрғонимизга асло ўтолмайди. Ишонинг, Аллоҳнинг иродаси, халқимизнинг ишончу матонати, ватандошларимизнинг меҳр-оқибати ва аҳиллиги билан ёруғ кунлар албатта келади! Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда буюк Ўзбекистонга айлантирамиз!

Республика Олий таълим кенгаши ва Олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши